O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

214

# Q A R O R

«6» октябр 2003 йил                                                  № 436-К

**Юридик шахсга ижарага**
**кушимча ер ажратиш тугрисида**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги конунига, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида» ги карорига хамда Узбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-маддасига асосан ва А.Кодирий номли ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 7-февралдаги «BAHOR» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «BAHOR» фермер хужалигига №-15-контурдан 10,3 гектар, №-16-контурдан 14,1 гектар, жами 24,4 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида» ги умумий йигилиш карори, ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш буйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 2-сентябрдаги йигилиш баёнидаги ижобий хулосани хамда А.Кодирий номли ширкат хужалигидаги «BAHOR» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини куриб чикиб

**К А Р О Р   К И Л А М А Н :**

1.А.Кодирий номли ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 7-февралдаги «BAHOR» фермер хужалигини фаолиятини кенгайтириш учун «BAHOR» фермер хужалигига №-15-контурдан 10,3 гектар, №-16-контурдан 14,1 гектар, жами 24,4 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йигилиш карори тасдиклансин.

2.Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан А.Кодирий номли ширкат хужалиги хисобидан чикариш тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувохномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «BAHOR» фермер хужаликларини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишни назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (О.Жураев)га «BAHOR» фермер хужалигининг молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;

-иктисослашган тижорат банкларига «BAHOR» фермер хужалигининг хисоб ракамидаги пул маблаглари харакатини тартибга солиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «BAHOR» фермер хужалигининг статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:-** S. Negmatov **Ш.Негматов**